**Қорақалпоғистон Республикаси бўйича
ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
*(2020 йилнинг январь-декабрь ойлари ҳолатига)*

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.** 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2383,4 минг сўмни ташкил этди.

Бунда иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Қорақалпоғистон Республикасида ўртача ойлик иш ҳақининг энг юқори миқдори Нукус шаҳрида 3034,5 минг сўм (Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 127,3 фоиз), Қўнғирот туманида 2889,6 минг сўм (121,2 фоиз) ва Тахиатош туманида 2436,8 минг сўм (102,2 фоиз) ни ташкил этган.

**Юридик шахсларда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида ҳисобланган даромад**

*(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

| | Ходимлар сони, киши | Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида ҳисобланган даромад млн.сўм | Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм |
|---|---|---|---|
| **Республика бўйича жами** | **148 366** | **4 243 473,3** | **2 383,4** |
| шу жумладан: | | | |
| Саноат | 14 272 | 637 438,0 | 3 722,0 |
| Қурилиш | 2 231 | 64 698,6 | 2 416,7 |
| Савдо | 1 929 | 56 198,1 | 2 427,8 |
| Ташиш ва сақлаш | 8 301 | 356 548,1 | 3 579,4 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 81 | 2 908,7 | 2 992,4 |
| Ахборот ва алоқа | 1 172 | 34 274,6 | 2 437,0 |
| Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик | 2 933 | 184 656,9 | 5 246,5 |
| Таълим | 68 125 | 1 569 672,2 | 1 920,1 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш | 25 193 | 609 301,1 | 2 015,4 |
| Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 2 413 | 50 911,3 | 1 758,2 |
| Бошқа фаолият турлари | 21 716 | 605 730,5 | 2 324,4 |

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**

*(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*




Республика бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш хақи 2383,4 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,0 % га ўсган.

Ўртача иш ҳақининг юқори миқдорлари иқтисодий фаолият турларидан банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачиликда 5246,5 минг сўм (Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 2,2 баробарга юқори), Саноат соҳасида 3722,0 минг сўм (Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 56,2 % га юқори), Ташиш ва сақлаш соҳасида 3579,4 минг сўм (Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 50,2 % га юқори) ва Ахборот ва алоқа соҳасида 2437,0 минг сўм (Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 2,2 % га юқори) бўлиши кузатилди.





**Қорақалпоғистон Республикаси бўйича**
**ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
*(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*

| | *2019 йил* | *2020 йил* | *Ўсиш суръати, % да* |
|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | **2165,9** | **2383,4** | **110,0** |
| Нукус ш. | 2738,0 | 3034,5 | 110,8 |
| *туманлар:* | | | |
| Амударё | 1687,6 | 1794,7 | 106,3 |
| Беруний | 1687,6 | 1764,9 | 104,6 |
| Бўзатов | 2549,4 | 1818,3 | 71,3 |
| Қонликўл | 2000,8 | 1825,2 | 91,2 |
| Қораўзак | 1642,1 | 1841,9 | 112,2 |
| Кегейли | 1886,5 | 1996,8 | 105,8 |
| Қўнғирот | 2420,3 | 2889,6 | 119,4 |
| Мўйноқ | 1632,8 | 1835,2 | 112,4 |
| Нукус | 1867,4 | 2319,9 | 124,2 |
| Тахиатош | 2074,9 | 2436,8 | 117,4 |
| Тахтакўпир | 1793,9 | 1790,5 | 99,8 |
| Тўрткўл | 1814,3 | 1919,5 | 105,8 |
| Хўжайли | 1949,1 | 2075,9 | 106,5 |
| Чимбой | 1763,2 | 2007,8 | 113,9 |
| Шуманай | 1703,1 | 1958,0 | 115,0 |
| Элликқалъа | 1832,1 | 2009,8 | 109,7 |

**Иш ҳақи**. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйдагиларни кўрсатмоқда.

**Таълим соҳасида** 1398 та муссасада 68125 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 45,9%) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 1569,7 млрд. сўмни (жами иш хақи фондидаги улуши 37,0% ) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1920,1 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 5,4 % га ўсган.

**Таълим иқтисодий фаолияти бўйича**
**ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
*(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

**Олий таълимда**
**4044,3 минг сўм**

**Ўрта махсус таълимда**
**1618,3 минг сўм**

**Таълимда жами**
**1920,1 минг сўм**

**Умумий ўрта таълимда**
**2042,2 минг сўм**

**Мактабгача таълимда**
**1154,1 минг сўм**





**Саноат** иқтисодий фаолият турида **35** та корхонада **14272** нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 9,6 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди **637,4** млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улиши 15,3 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи **3722,0** минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 4,0 % га ўсган.

**Саноатда иқтисодий фаолияти бўйича ўртача ойлик наминал ҳисобланган иш ҳақи**

*(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари минг сўм)*




Ушбу соҳадаги ўртача ойлик наминал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Нукус шаҳрида 8019,0 минг сўмни (Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 2,2 баробарга юқори) ва Тахиатош туманида 3886,0 минг сўмни (104,4 %) ташкил этган бўлса, Кегейли туманида 1420,9 минг сўмни (38,2 %), Қонликўл туманида 1490,6 минг сўмни (40,0 %), Чимбой туманида 1527,9 минг сўмни (41,1 %) ва Хўжайли туманида 1558,9 минг сўмни (41,9 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.




**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш** соҳасида 80 та муассасада 25193 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 17,0 % ни) ходим ишлаган бўлиб уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 609,3 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 14,4 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2015,4 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 18,6 % га ўсган.

**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш**
**фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
*(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субектларидан ташқари минг сўмда)*




Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, Қорақалпоғистонда яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Чимбой туманида 2618,3 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 129,9 %), Тахтакўпир туманида 2507,1 минг сўмни (124,4 %), Хўжайли туманида 2119,4 минг сўмни (105,2 %) ва Нукус туманида 2052,7 минг сўмни (101,8 %) ташкил этган бўлса, Тахиатош туманида 1712,5 минг сўмни (85,0 %), Қўнғирот туманида 1814,6 минг сўмни (90,0 %) ва Бўзатов туманида 1866,7 минг сўмни (92,6 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.



**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти** иқтисодий фаолият турида 78 та муассасада 2933 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,0 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 184,7 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 4,4 %ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 5246,5 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 29,2 % га ўсган.

**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
(*2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўмда)*




Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика худудлари бўйича Қорақалпоғистонда яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Нукус шаҳрида 5958,6 минг сўмни (республикадага ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 113,6 %) ва Қўнғирот туманида 5334,4 минг сўмни (101,7%) ташкил этган бўлса, Нукус туманида 4051,9 минг сўмни (77,2 %), Элликқалъа туманида 4393,9 минг сўмни (83,7 %) ва Тўрткўл туманида 4415,4 минг сўмни (84,2 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати**

*(2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари % да)*




минг сўм

- Саноат 3722,0
- Қурилиш 2416,7
- Савдо 2427,8
- Ташиш ва сақлаш 3579,4
- Ахборот ва алоқа 2437,0
- Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик 5246,4
- Таълим 1920,1
- Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий хизматлар кўрсатиш 2015,4
- Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш 1758,2
- Бошқа иқтисодий фаолият турлари 2324,4